

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5232400 – Иқтисодий хавфсизлик
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎЗР ОУМ
Буйруқ № 744
25.08.2018

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш департаменти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» _____ 08 _____ даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

4. ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.2. <i>5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....</i>	5
2. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	8
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	8
2.2. <i>5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари</i>	9
3. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	12
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	12
3.2. <i>5232400 – Иқтисодий хавфсизлик бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.....</i>	14

1. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурида кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ мос малака даражаси 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ малака даражаси

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурлари	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув ҳамда тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услугий бошқармаси (бўлим) бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5232400 – *Иқтисодий хавфсизлик* бакалаврият таълим йўналиши – фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги йўналиш бўлиб, қуйидагилардан иборат: жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш, турли мулк шаклларига тегишли, турли тармоқ, соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлар, молия, кредит ва суғурта муассасалари, давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, академик ва тармоқ илмий тадқиқот ташкилотлари, мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг иқтисодий хавфсизлик, молия, ишлаб чиқариш – иқтисодий ва таҳлилий хизматлар, иқтисодий жиноятларни аниқлаш, суд-иқтисодий экспертиза фаолияти, рақобат разведкасини ўз ичига олади, тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга, истикболни белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинishi назарда тутилади.

1.2.2. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш жараёнлари;

– иқтисодий хавфсизликни таъминлашга таҳдид қилувчи ҳодиса ва ҳаракатлар;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳулқ-атвор, уларнинг харажатлари ва натижалари, ҳаракатдаги бозорлар, молия ва ахборот оқимлари, ишлаб чиқариш жараёнлари;

– иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятлар;

– ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, холдинг, тижорат банклари, ишлаб чиқариш бирлашмаларининг иқтисодий хавфсизлиги жараёни;

– турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқариш;

– илмий тадқиқот муассасалари ва маҳаллий давлат органларида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш жараёнлари ҳисобланади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинishi назарда тутилади.

5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

Иқтисодий ҳисоб-китоб фаолияти:

– иқтисодий хавфсизликнинг миқдор ва сифат меъзонлари иқтисодий тизим ва объектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторлари тизимини шакллантириш;

- иқтисодий хавфсизликни белгиловчи иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тайёрлаш;
- ҳаракатдаги меъёрий-ҳуқуқий базада келтирилган андозали услуб асосида иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китобини олиб бориш;
- турли мулк шаклларига тегишли, турли тармоқ, соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолият дастурларининг иқтисодий бўлимларини ишлаб чиқиш;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш.

Ҳуқуқ-тартибот фаолияти:

- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;
- турли мулк шакллари ҳимоя қилиш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишига қўмаклашиш;
- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва қонунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш, аниқлаш ва очиш.

Таҳлилий, илмий тадқиқот фаолияти:

- иқтисодий хавфсизликни таъминлаш юзасидан аниқ иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган, олинган топшириқ бўйича ахборот маълумотларини излаш, тўплаш ва таҳлил қилиш;
- иқтисодий маълумотлар тўпламини қўйилган топшириққа асосан қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш, олинган натижаларни қийёслаш ва асосланган хулосаларга келиш;
- мутахассислик фаолияти соҳасига тегишли тадқиқ этилаётган жараёнлар, ҳодисалар ҳамда объектларни стандарт назарий ва эконометрлик моделларини тузиш, таҳлил қилиш ва олинган натижаларни қийёслаш;
- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қийёслаш;
- тахминий ҳисоботлар ва ахборотлар шарҳини тайёрлаш;
- статистик кузатишлар, сўровлар, анкета сўровлари ва уларнинг бирламчи натижаларини қайта ишлаш;
- мутахассислик фаолияти соҳасидаги лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишида иштирок этиш, ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича таклифлар ва чора-тадбирларни тайёрлаш;
- иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарларни аниқлаш;
- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Ташкилий-бошқарув фаолияти:

- қабул қилинадиган қарорларни иқтисодий хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишида ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- топширилган ишнинг погоналари бажарилишини ташиқил этиш;
- иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун ташиқил этилган жамоа ва гуруҳларни тезкор равишда бошқариш;
- турли мулк шаклларига тегишли, турли тармоқ ва соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари иқтисодий хавфсизлик хизматлари бўлимлари фаолияти

бошқарувини ташиқил этиши ва такомиллаштириши бўйича қабул қилинган қарорларни тайёрлашда иштирок этиши.

Эксперт-маслаҳатчилик фаолияти:

- суд-иқтисодий экспертизаларни амалга ошириши;
- ҳуқуқ-тартибот ва бошқа муассасалар топширигига асосан тадқиқотлар олиб бориши;
- вужудга келган молиявий вазиятни аниқлаш мақсадида ташиқилот, корхона ва муассасаларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини эксперт баҳолаш;
- ижтимоий-иқтисодий вазиятларни таранглашувига сабаб бўладиган омиллар рискинни баҳолаш;
- вужудга келиши мумкин бўлган фавқулотда ижтимоий-иқтисодий вазиятларни прогнозлаш, уларни бартараф этиши ёки юмшатиши бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши;
- иқтисодий ва молиявий хавфсизлик бузилганда иқтисодий йўқотишларни баҳолаш ҳамда уларни қоплаш заҳираларини аниқлаш;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни иқтисодий экспертизадан ўтқазishi;
- бизнеснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш соҳасида услубий тавсияларни ишлаб чиқиши;
- иқтисодий хавфсизликка потенциал ва реал таҳдид солувчи масалаларни аниқлаш юзасидан маслаҳатлар бериши.

Назорат-тафтиш фаолияти:

- Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва бюджет параметрлари, бюджетдан ташиқари турли жамғармаларнинг шаклланиши ҳамда бажарилишини назорат қилиши;
- давлат ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш борасида қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиши чораларини кўриши;
- молия операциялари мониторингини олиб бориши, қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиши чораларини кўриши;
- давлат ва маҳаллий ташиқилотлар, корхоналарда ички назорат ва аудит тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш;
- молия бозори фаолияти мониторингини олиб бориши;
- иқтисодий жинойятчиликка қарши кураш чора-тадбирларини шакллантириши, уларни аниқлаш, бартараф этишида иштирок этиши;
- иқтисодий фаолият субъектларининг жорий иқтисодий ва молиявий фаолиятларининг барқарорлигини мониторинг қилиши;
- иқтисодий хавфсизликни таъминлашга дахлдор бўлган иқтисодий жараёнларни мониторинг қилиши, ахборотларни йиғиши, қайта ишлаш ва баҳолаш.

1.2.3. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- молиявий-иқтисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ҳуқуқ-тартибот;
- ташиқилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши;
- илмий тадқиқот;
- эксперт-маслаҳатчилик фаолияти.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида кўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

5A232401 - Иқтисодий хавфсизлик ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган турдош бакалаврият таълим йўналишлари негизида магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавр:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистоннинг ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укуви ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

– давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

– тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– иқтисодиёт субъектлари фаолияти иқтисодий хавфсизлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;

– иқтисодий хавфсизликнинг миқдор ва сифат меъзонлари иқтисодий тизим ва объектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторларини аниқлаш;

– иқтисодий хавфсизликни белгиловчи иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тайёрлаш;

– ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

– иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

– иқтисодий хавфсизликни таъминлаш юзасидан иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот маълумотларини излаш, тўплаш ва таҳлил қилиш;

– иқтисодий маълумотлар тўпламини қўйилган топшириққа асосан қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш, олинган натижаларни қиёслаш ва асосланган хулосаларга келиш;

– Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш;

– иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарларни аниқлаш;

– лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

– тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

– бюджет тизими ва бюджет параметрлари, бюджетдан ташқари турли жамғармаларнинг шаклланиши ҳамда бажарилишини назорат қилиш;

– давлат ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш борасида қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

– молия операциялари мониторингини олиб бориш, қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

– давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда ички назорат ва аудит тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш;

– молия бозори фаолияти мониторингини олиб бориш;

– иқтисодий фаолият субъектларининг жорий иқтисодий ва молиявий фаолиятларининг барқарорлигини мониторинг қилиш;

– иқтисодий хавфсизликни таъминлашга дахлдор бўлган иқтисодий жараёнларни мониторинг қилиш, ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва баҳолаш.

– иқтисодий хавфсизлик борасида таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ҳуқуқ-тартибот фаолияти:

– қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда

хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш,

- турли мулк шакллари ҳимоя қилиш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва қонунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш, аниқлаш ва очиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- режалаштириш ишларини ташкил этиш;
- хўжалик юритувчи субъектини хўжалик-молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истиқболли ва жорий режаларни (дастурларини) ишлаб чиқиш;
- режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш;
- меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, рационализаторлик таклифлар ва ихтиролар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;
- қабул қилинадиган қарорларни иқтисодий хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишда ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун ташкил этилган жамоа ва гуруҳларни тезкор равишда бошқариш;
- турли мулк шаклларига тегишли, турли тармоқ ва соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари иқтисодий хавфсизлик хизматлари бўлимлари фаолияти бошқарувини ташкил этиш;
- ахборот-коммуникация технологияларини олиб бориш услублари ва воситаларидан фойдаланиш;
- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш;
- тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш;
- ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;
- хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий фаолиятини оқилона ташкил этишда мамлакатимиз ва хорижий тажрибасини ўрганиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш меъёр ва қоидаларига амал қилиш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- тармоқлар ва соҳаларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишларини режалаштириш ва бажариш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий хавфсизлик бўлимларини ташкил этиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва ресурсларини режалаштириш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллаш;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;
- тармоқлар ва соҳаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича таҳлилий ишларни бажариш;
- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини қўллаш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ракобат стратегияларини ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- тармоқлар ва соҳаларда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга қатнашиш;
- давлат, жамият ва шахс ҳамда иқтисодиёт субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;
- тармоқлар ва соҳаларнинг иқтисодий хавфсизлиги таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Эксперт-маслаҳатчилик фаолияти:

- суд-иқтисодий экспертизаларни амалга оширишда иштирок этиш;
- ҳуқуқ-тартибот ва бошқа муассасалар топшириғига асосан тадқиқотлар олиб бориш;
- вужудга келган молиявий вазиятни аниқлаш мақсадида ташкилот, корхона ва муассасаларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини эксперт баҳолаш;
- ижтимоий-иқтисодий вазиятларни таранглашувига сабаб бўладиган омиллар рискин баҳолаш;
- ижтимоий-иқтисодий вазиятларни прогнозлаш, уларни бартараф этиш ёки юмшатиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- иқтисодий ва молиявий хавфсизлик бузилганда иқтисодий йўқотишларни баҳолаш ҳамда уларни қоплаш захираларини аниқлаш;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни иқтисодий экспертизадан ўтказиш;

– бизнеснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш соҳасида услубий тавсияларни ишлаб чиқиш;

– иқтисодий хавфсизликка потенциал ва реал таҳдид солувчи масалаларни аниқлаш юзасидан маслаҳатлар бериш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

3. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5232400 – Иқтисодий хавфсизлик бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий-илмий фанлар;
- умумкасбий фанлар;
- ихтисослик фанлар;
- қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар ҳамда иш берувчилар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулоти ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Табиий-илмий фанлар бўйича:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириш;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаш;

фуқаролик жамияти, ривожланиш босқичлари, демократия тамойиллари ва концепцияси, бошқарув тизими, давлат, жамият ва шахс бирлиги ҳақидаги илмий ва назарий асосларни таъминлаш;

иктисодий хавфсизлик таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаш;

иктисодчилар учун математика ва эконометрика асослари фанларини ўрганиб улар ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки бўйича:

математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаш;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириш;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;

миллий иқтисодиёт, унинг микро ва макроиктисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариш;

таваккалчилик ва уни пасайтириш, корхоналарда максимал фойдага эришиш нуктасини аниқлаш, талаб ва таклиф эластиклигини ҳисоблаш, рақобатлашган бозор шароитида нархни белгилаш, ишлаб чиқариш харажатлари ва фойдани ҳисоблаш ҳамда меҳнат бозори, капитал бозори ва ер бозорини таҳлил қилиш;

макроиктисодий сиёсатнинг иқтисодий жараёнлар ва алоҳида кўрсаткичларга таъсир кўрсатиши қонуниятларини аниқлаш;

давлат ҳокимияти ва унинг ваколатларини турли поғоналар ўртасида тақсимлаш тамойиллари ва минтақа молиявий маблағлари ҳамда уларнинг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш;

статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши;

меҳнатни ташкил этиши, меҳнат бозорини ривожлантириши ва тартибга солиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш;

жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиш;

режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

пул-кредит сиёсатини амалга ошириш механизми ва тамойиллари, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда турли мулк шаклларини ҳимоя қилиш тизими, корхонада бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш, бозор конъюнктураси ва бозор сиғимини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

иктисодий таҳлилнинг асосий усуллари ва амалга ошириш тамойиллари, хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаши;

бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимидаги институтлар фаолияти ва уни ташкиллаштириши;

ишлаб чиқаришни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни билиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаши;

корпоратив тизимларини ва улар гуруҳларининг ўзига хос хусусиятлари, устунликларини билишини таъминлаши лозим.

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва укувларини шакллантириши;

иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, давлат, шахс ва жамият иқтисодий хавфсизлигининг устуворлиги, экологик ва озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлаш механизмлари, хомашёлардан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришнинг келажакдаги ривожланишини белгилаш;

турли мулк шаклларига тегишли бизнес қийматини баҳолаш, уларни қонуний ҳимоясини таъминлаш;

иқтисодий жиноятчиликка қарши курашишнинг миллий ва халқаро тизимини мукамал эгаллаш, кураш механизмларини англаш, уларни қўллаш олиш кўникмаларига эга бўлиш;

банк опреациялари тизимини ўрганиш, ноқонуний фаолиятларни аниқлай олиш, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

молия бозорида вужудга келадиган муносабатларни ўрганиш, замонавий молия тизими, халқаро молиявий ташкилотлар, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари, молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги, очиклик ва шаффофлик, коррупцияга йўл қўймасликни таъминлаш;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Ихтисослик фанларнинг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талаблари эътиборга олинади.

Кўшимча фанлар блоки бўйича:

бакалавр таълим йўналишидаги талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш;

тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириш;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналиши бўйича ўқув режа ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

қасбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, қасбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5232400 – Иқтисодий хавфсизлик бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим –	59,8 %;
аттестациялар –	8,8 %;
таътил –	14,2 %;
малака амалиёти –	14,7 %;
битирув малакавий иши –	2,5 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар	25,6 %;
умумқасбий фанлар	34,5 %;
ихтисослик фанлар	33,9 %;
қўшимча фанлар	6 %.

5232400- Иқтисодий хавфсизлик бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т.р.	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва табиий илмий фанлар	1688
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт	128
1.08	Иқтисодиётда ахборот-коммуникацион технологиялар ва тизимлар	184
1.09	Иқтисодчилар учун математика	294
1.10	Эконометрика асослари	136
	<i>Танлов фанлари</i>	92
2.00	Умумқасбий фанлар	2270
2.01	Бошқарув психологияси	64
2.02	Иқтисодиёт назарияси	458
2.03	Статистика	248
2.04	Микроиқтисодиёт	144
2.05	Макроиқтисодиёт	144
2.06	Бухгалтерия ҳисоби	144
2.07	Иқтисодий таҳлил ва аудит	186
2.08	Пул ва банклар	186
2.09	Молия ва солиқлар	306
2.10	Меҳнат иқтисодиёти	186
	<i>Танлов фанлари</i>	204
3.00	Иқтисослик фанлари	2236
3.01	Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашининг миллий ва халқаро тизими	176
3.02	Миллий ва минтақавий иқтисодий хавфсизлик	218
3.03	Банк операциялари мониторинги	176
3.04	Иқтисодий хавфсизлик	218
3.05	Корхона иқтисодий хавфсизлиги	194
	<i>Тармоқ ва соҳа фанлари</i>	824
	<i>Танлов фанлари</i>	430
4.00	Қўшимча фанлар	394
	ЖАМИ	6588
	Малакавий амалиёт	1620
	Битирув малакавий иши ҳимояси билан	270
	Аттестациялар	972
	ЖАМИ	2862
	ҲАММАСИ	9450

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, иқтисодий хавфсизлик, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, ҳуқуқ-тартибот, эксперт хизмати, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, экспертиза, иқтисодий жиноятлар, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор Б.Ю. Ходиев

2017 йил « 16 » 07



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш департаменти
кадрлар бўлими

Бошлиқ А. Бозоров

2017 йил « 18 » 07



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-
хунар таълим вазирлиги

Директор Б.Х. Рахимов

2017 йил « 16 » 07


М.Ў.



Тошкент молия институти

Ректор Н.Х. Хайдаров

2017 йил « 16 » 07




ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий
тадқиқот маркази

Директор Д.Қ. Ахмедов

2017 йил « 16 » 07

М.Ў.













Инвестициялар бўйича Тошкент шаҳар
бош бошқармаси

Бошлиқ Х.Файзуллаҳўжаев


2017 йил « 19 » 07




**5232400- Иқтисодий хавфсизлик бакалавриат таълим йўналиши бўйича
малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ
таркиби**

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
Раис			
1.	Ғ.Захидов	Ўқув ишлари бўйича проректор	
Аъзолари:			
2.	Б.Усманов	Ўқув услубий бошқарма бошлиғи, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди, доцент	
3.	И.Хотамов	ТДИУ, “Саноат иқтисодиёти” кафедраси мудир, иқтисод фанлари номзоди, доцент	
4.	М.Асқарова	ТДИУ, “Макроиқтисодиёт” кафедраси мудир, иқтисод фанлари номзоди, доцент	
